



АСАД ДИЛМУРОДОВ

ОСМОННИНГ
БИР ПАРЧАСИ

АВТОРНИНГ
БИРИНЧИ
КИТОБИ



АСАД ДИЛМУРОДОВ



ОСМОННИНГ БИР ПАРЧАСИ

Ҳикоялар

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1978

«Осмоннинг бир парчаси» муаллифнинг илк тўплами. Унга атиги учтагина ҳикоя кирган. Уларнинг мавзуси ранг-баранг бўлса-да, лекин муштарак бир томони бор. Ёш қаламкаш ўзига яқин, юракдан ҳис этган воқеа-ҳодисаларни, гапларни қаламга олади. Шу боисдан ҳикоялардаги самимият сизни ҳам хушнуд этади, деб умид қиламиз, муҳтарам китобхон.

Д 70303—147
356(06)—78 64—78

© «Ёш гвардия», 1978.

ОҒИР КҮН

Онам далага кетди. Тонг бўзармоқда. Эринчоқлигим тутиб, кўрпага бурканиб ётибман. Юзимга шабнамнинг салқин нафаси урилгандай... Тоза ҳаво! Икки укам ширингина пишиллашади. Ориқ қўллари, қоқсуяк елкалари кўрпадан чиқиб турибди. Хўрсиндим. Улар оч. Уруш бошланганидан буён нонга тўйишганини эслолмайман. Ўзим ҳам шундай. Лекин мен анча катта бўлиб қолганман. Онам шундай дейдилар. Ун учга кирган боланинг кичиклиги қолмас экан. Шунинг учун ҳам Чўлоқ бовага ёрдамчи бўлиб олганман. Ҳадемай, у билан хирмонга жўнаймиз. Ана, унинг шанғиллаган овози эшитилиб қолди:

— Эсингни ебсан! Ишимга аралашма дедимми, аралашма-да!

Чўлоқ бова девор-дармиён қўшнимиз. Аслида ўзи мени шогирд қилиб олди. Менга колхоз ҳар куни ярим меҳнат куни ёзса ҳам онамнинг белига қувват бўларкан. У қошиқ бурун, ясси пешона, ияпи олдинга туртиб чиққан, баланд бўйли, бақувват чол. Жаҳлдан ҳам худо берган. Аммо бугун кун чиқмасдан нима жини кўзиб қолди? Секин дарчадан мўраладим.

— Мунча безилламанг! Менга деса ўша хирмонга ёлишиб қолинг. Қуриса сиз эккан палак қурийд.

Бу — Зулфин аянинг овози. Эзмалигини демаса яхши аёл. Негадир эридан анча ёш кўринади, қирққа кирмаган дейсиз.

— Сигирга ўхшаб ҳадеб мўърайверма!— Чўлоқ бова мош ранг соқолини силаб қўйди.— Кунингни кўрсатиб қўяман-а! Бир қўл тегса ўша савил суғорилар...

Оббо, гапини қаранг. Кампирига кунингни кўрсатаман, дейди-я! Бир балони бошламаса гўр-гайди. Биров гашига тегдими, тамом, қилдан қийиқ қидиради. Тезроқ алдаб-сулдаб хирмонга олиб кетиш керак. Дик этиб туйнукдан ўтдим. Бова менга кўзи тушгач, уялдими, ерга қаради. Кўзлари қип-қизил, киприклари тўкилиб кетган: худди қари бургутнинг кўзларидай жавдирайди.

— Нима қилардингиз?— Зулфин ая чолининг тумшуғига тиқилиб гап қотди.— Жа нари борса Моҳирадай уйдан қуварсиз.

Кампирнинг гапи, назаримда, тутаб турган ўтга керосин сепгандай бўлди. Чўлоқ бованинг бесўнақай қўллари қалтираб, юзи докадек оқариб кетди.

— Ким қувди унингни?— Чўлоқ бованинг саргайган тишлари ғижирлади.— Ким?

Худо урди, гап Моҳирага тақалдими, албатта жанжал чиқади. Айниқса Чўлоқ бова кўз ёшларини тўхтатолмай қолиши ёмон. Унинг йиғлаганини кўрмасам дейман. Қўлига ёпишиб, торта бошладим:

— Бова, бова, отлар кутиб қолди! Отлар кўтиб қолди!

У бўшашиб териси гадир-будир бўйнини қашиди. Бу — жини кетганидан нишона. Хайрият, деб қўйдим ичимда. Ахир, иш кутиб турганда гап сотиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?

Йўлга тушдик. Негадир ичимда гулғула — гоҳ тинади, гоҳ кўпиради. Бованинг юзига қараб қўр-

қиб кетдим. Қилсимон томирлари кўкариб турибди. Киприксиз кўзлари ўйчан, даҳшатли...

— Қувган эмишман-а! Қувар эмишман-а!— У ўзича тўнғилларди.— Қетса ўзи кетибди-да! Кетгинг келган бўлса сен ҳам кетавер!

Бованинг чеҳраси баттар тумтайди. Тили оғзига сиғмай қолгандек пишиллаб: «Топдинг-а, эрмагингни!» деб қўйди.

Бова битта-битта қадам ташларди. Гавдаси чап томонга бир оз қийшайган, чунки протезли чап оёғи салгина калта эди. У қизи эсига тушса, бир ўлиб-тирилишини биламан. Тавба, Зулфин ая буни била туриб, ярасига туз сепди-я! Биз кетгунча тилани тишлаб турса осмон ўпирилиб тушармиди. Ҳадеб арининг уясига чўп суққанига ҳайронман...

Тўғри айтади. Моҳирани Чўлоқ бова қувган эмас. Ўзи кетди. Кўзим билан кўрганман. Зулфин ая кўрмасдан гапиряпти.

Ҳар замонда бованинг жиннилиги тутса, Моҳирани уришиб турарди. Баъзан онам мени шунақа тириқтирадики... начора чидаб юрибмиз...

Моҳира эса бошини олди-кетди. Сўккан, урган бўлса чидасин. Отаси! Илгари отам тилла одам эди, деб менга ўз оғзи билан айтган. Феъли мулойим, қўй оғзидан чўп олмас экан, урушдан айниб келибди. Лекин мен уни «мулойим» одам сифатида тасаввуримга сиғдиролмайман. Гўё у илгари ҳам шунақа бўлганда — дағал, чўрткесар, қасд қилган ишини уддаламай қўймайдиган...

Болалар илгари Шоқир амаки деб чақиришаркан. Мендан тўрт ёш катта Салим айтди. Урушдан Чўлоқ бова бўлиб келди. Усиб кетган соқолини қайтиб олдирмади-ю, кекса бўлди-қолди. У эндигина элликдан ошган бўлса ҳам, билмаганлар олтмишдан кам эмас, дейишарди.

У келган йили қишлоққа миш-миш оралади:

Мохира Шукур пакана билан қўл ушлашиб юрганмиш. Бу гап қулоққа совуқ эшитиларди. Айримлар бир гапни эшитмасин, калавадек чувалаштиришади.

Шукур пакана — Моҳиранинг синфдоши. Улар болалигидан апоқ-чапоқ. Одамларга ҳайронман, бунинг нимаси ёмон?! Тўғриси, уларнинг қалинлигига ҳавасим келарди. Охири нима бўлди денг? Игнача гап оғиздан оғизга ўтиб, Чўлоқ бовага етгунча нақ туяга айланди.

Биринчи йили Чўлоқ бова арава ҳайдади. Эшитишимча, раисдан ўзи талаб қилибди. Уйда ўтирса юраги сиқиларкан. Мени ёрдамчи қилиб олди. Икки киши бир аравани ҳайдаб юравердик.

Сўнгги вақтларда бованинг қовоғидан қор ёғилиб қолди. Менга истар-истамас гап қўшади. Аламини қашқадан олади, шўрлик от баъзан қамчи зарбидан чўккалаб қолади.

Бир куни кечқурун бованикига саллали икки киши келди. «Совчилар!» деди онам қулоғимга шивирлаб. «Совчи» дегани шунақа бўларкан-да, деб турувдим, бирдан бованинг қўрс товуши қапалагимни учирди:

— Ҳамманг йўқол! У юзсизга берадиган қизим йўқ!

Зулфин ая ҳўнгради. Совчилар ёқа ушлашиб, хўмрайишиб қайтиб кетишди. Кўп ўтмай, бова яна бақира бошлади:

— Ҳароми, ифлос!

Сабрим чидамай, дарчадан мўраладим. Мохира ҳовли ўртасида тахтадек қотиб турар, узун сочлари тўзғиган, оқ рўмоли оёғи остида тушиб ётарди. Зулфин ая қизарган кўзларини енгининг учи билан арта-арта чолига бетламай қараб турарди. Бованинг вазоҳати нақ сувни музлатгудек... Тавба, қизи биров билан топишган бўлеа узатиб қутулмайдими, деб ичимда куйюндим. Ҳозир бориб шартта юзига шундай десаммикан?

Ҳай, аттанг, кичкинаман-да! Бу қайсар чолга бунақа вақтда кампири ҳам, ҳатто бутун қишлоқ ҳам гап уқтиролмайдн... Ишқилиб, у бир неча марта келган совчиларни қайтариб, орани узди.

Кунлардан бир кун Чўлоқ бова қашқани аравадан чиқарди-да, ўзи шийпонда қолди. Кечгача хашак ташидик. Иккаламизнинг ҳам ийғимиз чиқиб кетди. Айил-пуштан қашқанинг қорнини қийиб юборибди. Чндаганини қаранг...

Яланг оёқларим билан биқинига ниқтаб, қашқани сой томон йўрттирдим. Қулоғим тагида илиқ шабада ғувиллайди. Саратон ели! Ёқимсиз, одамни ланж қилади. Қашқа ҳорғин йўртмоқда. Сой тош йўлни чўрт иккига бўлиб, қишлоқ этагидан оқиб ўтади. Икки томондаги сийрак қамишлар мулойим шовиллайди. Онда-сонда сариқ кокилли мажнунтоллар кўзга ташланади. Шу пайт сойнинг нариги бетида тез-тез юриб келаётган олазарак икки кишини кўриб қолдим. Ёпирай! Ушалар! Нима қилиб юришибди? Отни бир чуқурликдаги бутага бойладим-да, сой бўйига югурдим. Мана, уларнинг ғудранишлари эшитила бошлади. Ўзимни баланд кул ранг тош панасига олдим.

Моҳира опанинг юзи иссиқда бўғриққан, анордай қип-қизил, атрофга олазарак боқиб, тез-тез қадам ташлайди. Шукур пакана эса рўмолчаси билан ҳадеб тер босган юзини артади, бурнини тортиб-тортиб қўяди.

— Тоғангиз олдиға солиб қувса-я!— Моҳира опанинг овози қулоғимга чалинди.

Баданимда жунли қурт ўрмалагандек сескандим. «Наҳотки қочишаётган бўлса?»

— Бе!— Пакана чўзинчоқ иягини силади.— Тоғам валломат одам. Отанг излаб чиқса чатоқ.

— Отам ўжарлиги тутиб изламаса керак!— Моҳира йиғи аралаш гапирди.— Жуда қўрс... Ғазабидан ҳам изламайди. Шўрлик онамга қийин.

«Онангизни ўйласангиз қочармидингиз»,— дедим ичимда гашим келиб.

— Йиғлама!— деди Пакана синиқ товушда.— Отанг тушуниб, тафтидан тушиб қолар... Биз ҳам қайтиб келамиз.

Улар тош йўлга чиқиб кўприкдан ўтишгач, қамишлар панасида ғойиб бўлишди. Мен қизиган пешонамни совуқ тошга босдим. Кўз олдимда қошлари ўсиқ, қовоғи солинган, маъюс чеҳра... Гоҳ бўзаради, гоҳ ўтдек ёнади. Тиришган пешонасини жаҳл билан ишқалайди. Уни қизи ташлаб кетди! Унга раҳмим келади. Афсуски, қайғудан қутқазишга ожизман. Ҳали боламан. Кўп нарсага ақлим етмайди. Бирор кун билагим кучга тўлади, оқу қорани ажратадиган жасур йигит бўламан. Ана шунда мен ҳам ўйлаб-нетиб турмай, қуралай кўзли, ёқимтой қизчанинг қўлидан тутаман-да, мажнунтол оралаб истаган томонимга кетаман. Аммо мен пакана эмас, узун бўйли, ҳатто Чўлоқ бовадан ҳам новча бўламан.

Қашқа кишнаб юборди. Миямга бир фикр қелди. Отни суғориб, шийпонга шамолдай учирдим.

Бова шийпон олдида, майса устида ёнбошлаб ётарди. Чанга ботган, ҳорғин, сержаҳл чеҳрасини кўрдим-у, ҳафсалам пир бўлди. «Йўқ, айтмайман. Уларнинг йўлини тўсиб бўлармиди?» Нега тўсатдан фикримдан қайтдим? Бунинг сабабини ҳануз тушунолмайман...

Ҳозир Чўлоқ бованинг тарашадай қотган чаккалари, териси буришган бўйнига ён томондан кўз ташлаб, ачиндим. Иссиқ-совуққа барабар чидаган бу одам юзида шу пайтгача раҳмдиллик аломатини кўрган эмасман. Эҳтимол, кўришни истамагандирман. Қим билади тағин, балки қизига ачингандир. Ачинган бўлса ҳам йўқлаб боришни истамади. Ужарлиқ шунча бўлар-да!

Худди мана шунақалиги менга ёқади. Шу қилиги билан худди болага ўхшаб кетади. Мен эса кўпинча унга тақлид қилишга уринадиган бўлиб қолдим.

Бова менга эътибор бермай шошилмай одимламоқда. Ўйчан нигоҳини хирмон тарафдан узмайди. Назаримда, чеҳраси сал ёришиб, кўзларига қуйилган қон босилибди. Қошки шу топда бирор ширин гап айтиб кўнглидаги дардга малҳам бўлсам! Қани энди тилимга бирор гап келса, худди тош боғлагандай...

Райим ака тўртта отни ушлаганича бизни кутиб турган экан. У — колхознинг отбоқари. Дилкаш, бир оз тажанг, аммо содда одам. Қишинёзин устидан пахталигини ташламайди. У қашқанинг сағрисига шапатилаб, менга кўзини қисиб қўйди.

Хирмон буғдой ҳидига тўла. Шабада гоҳо ойим супургининг ёқимли исини учириб келади. Ҳув нарида, қияликларда мингбош, эчкичак ўсиб ётибди. Майдоннинг нариги чеккасида бир чол билан ўрта яшар киши дон совуришяпти. Кеча Чўлоқ бова иккаламиз янчувдик.

Майдоннинг қоқ ўртасида чайла — ойимсупурги, мингбош, какра ва буғдой пояси билан ёпилган. Чайлада қовоқ калла, гўла бўйли, қориндор киши ружанак бўлиб ухляяпти. У хирмон қоровули — Юсуф мўйлов. Дунёни сув босса, тўпигига чиқмайди, кун бўйи уйқудан бош кўтармайди. Чўлоқ бова уни жинидан ёмон кўради. «Тайёрга — айёр!» — дейди гижиниб. Кейин билсам, бова уни ёмон кўришининг сабаби бор экан. У фронтдан қочган экан. Чину ёлғонлигини худо биледи. Ҳозир ҳам бова чайлага ўқрайиб тикилди. Сўнг, қашқага минди-да, отларни ҳафсаласизлик билан гарамга ҳайдади. Кеча қамчиси ҳавода чийилларди, бугун эса истар-истамас, қашқанинг бўйнига



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/5285>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5285>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5285>